

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ИБРАГИМОВА ШОИРА АДҲАМОВНА**

**БОЛАЛАРДА АТОПИК ДЕРМАТИТНИНГ БРОНХИАЛ АСТМА  
БИЛАН БИРГАЛИҚДА КЕЧИШИНИНГ КЛИНИК -  
ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2022**

**Тиббиёт фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on medical  
sciences**

**Ибрагимова Шоира Адхамовна**

Болаларда атопик дерматитнинг бронхиал астма билан  
биргаликда кечишининг клиник - иммунологик хусусиятлари  
ва даволаш усулларини оптималлаштириш ..... 3

**Ибрагимова Шоира Адхамовна**

Клинико-иммунологические особенности и оптимизация  
методов лечения сочетанного течения атопического дерматита  
с бронхиальной астмой у детей ..... 25

**Ibragimova Shoira Adkhamovna**

Clinical and immunological features and optimization of treatment methods  
for the combined course of atopic dermatitis with bronchial asthma in children... 47

**Список опубликованных работ**

Эълон қилинган ишлар рўйхати  
List of published works ..... 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ИБРАГИМОВА ШОИРА АДҲАМОВНА**

**БОЛАЛАРДА АТОПИК ДЕРМАТИТНИНГ БРОНХИАЛ АСТМА  
БИЛАН БИРГАЛИҚДА КЕЧИШИНИНГ КЛИНИК -  
ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1784 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [www.sammi.uz](http://www.sammi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Миррахимова Мактуба Хабибуллаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:** **Рустамов Мардонқул Рустамович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Шамсиев Фурқат Мухитдинович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Гомель Давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги PhD04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70а-уй, СамДТУ 2-сон клиникаси (Кўп тармоқли ихтисослашган болалар хирургия маркази), Тел/факс: 0(366)-233-58-92,233-79-03, e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

Диссертацияси билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М.Шамсиев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.З.Шодиқулова**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлари доктори

**Ж.О.Атакулов**  
Илмий даражаларни берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид учраш даражаси кун сайин ортиб бормоқда, айниқса, иқтисодий ривожланаётган мамлакатларда етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «... атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид учраш даражаси болаларнинг 10% дан 25% гача ва ундан ортиқ қисмида аниқланмоқда... турли мамлакатларда касалликнинг тарқалиши ўртача ҳар 1000 болага 3 та ҳолатгача учрамоқда»<sup>1</sup>. Бугунги кунда атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид учрашига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, касалликни эрта ташхислаш ва асоратларини олдини олиш учун патогенетик жиҳатларини ахамиятга олган ҳолда муолажаларини буюриш, касалликнинг қайталанишлар сонини камайтириш, тиббиётда ечими топилиши зарур бўлган муаммолардан хисобланади.

Жаҳонда атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечиш патогенезининг иммунологик жиҳатларини баҳолаш ва даво муолажалари самарадорлигини оширишга қаратилган бир қанча қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечишини ўзига хос клиник-иммунологик хусусиятларини аниқлаш, коморбид кечишида маҳсус IgE ва лейкотриен миқдорини баҳолаш, организмдаги иммунологик бузилишларининг ўзаро боғлиқлигини асослаш ва атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечишини эрта ташхислаш, шунингдек самарали даволаш тартибини амалиётга тадбиқ қилиш чора тадбирлар комплексини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш алоҳида ахамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, хусусан, атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечишини эрта ташхислаш ва унинг асоратларини камайтириш, шунингдек, БА бор болаларда касалликнинг даволаш усуллари такомиллаштириш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш ва самарали ташхислаш»<sup>2</sup> вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда болаларда атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечишини, асоратларини башорат қилишни ва тез кечар аллергик реакцияларни бошланғич даврларини аниқлашда SCORAD индекси (атопик

<sup>1</sup> Global burden of disease due to asthma [cited 17 Oct 2017]. Available from <http://www.globalasthmareport.org/burden/burden.php>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони

дерматитни оғирлик даражасини белгиловчи), пешобдаги цистеинил лейкотриенлар (C4/D4/E4) ва қон зардобдаги махсус IgE миқдорининг клиник ва диагностик аҳамияти аниқлаш, шунингдек диагностика ва даволаш тадбирларини такомиллаштириш орқали касаллик асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронликни ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18-декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Болаларда атопик патологияни ўрганиш бўйича жаҳонда қатор илмий ишлар амалга оширилган (Соломкина Н.Ю., 2020, Сулейманова Р.Р., 2019, Milam E. C. et al., 2019). Халқаро статистика маълумотлари шуни кўрсатадики, аллергия касалликларнинг йиллик ўсиши ўртача 15-40% ни ташкил этади (Nguyen H. L., Anderson K. R., Tollefson M. M., 2019). Шуни таъкидлаш жоизки, атопик дерматит барча мамлакатларда, ҳар иккала жинсда ҳам, турли ёш гуруҳларида учрайди, шу кунгача атопик дерматитнинг тарқалиши АҚШ да болалар популяциясида 17,2% га етган, болаларда Европада – 15,6%, Японияда – 24%, бу сўнгги уч ўн йилликда уни аниқлаш тезлигининг барқарор ўсишини акс эттиради (Nakamura T. et al., 2019). Атопик дерматит билан касалланиш иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар аҳолисида сезиларли даражада юқори, ноқулай ҳудудлардан келган муҳожирларда сезиларли даражада ошади (Ревякина В. А., 2019).

Турли хавф омиллари ва минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда болаларда аллергия касалликларнинг тарқалиши аниқланди, ташхисот алгоритми ва даволаш ҳамда профилактика чоралари мажмуаси ишлаб чиқилди (Почивалов А. В., 2019). Эрта ёшда атопик дерматит билан касалланган болаларнинг саломатлигига комплекс баҳо берилган ва олинган

натижаларни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган (Побежимова О. О, 2020); атопик дерматит билан хасталанган болаларда оғиз бўшлиғи микрофлораси характеристикаси, уларнинг клиник ва патогенетик хусусиятларини аниқлаш ва ичак микробиоценоз ҳолатини аниқлаш амалга оширилган (Попова Л. Ю., 2019); Эски муаммонинг янгида даволаш усули: атопик дерматитнинг кечиш хусусиятлари ва унинг бронхиал астма билан бирга кечишини даволаш усуллари (Ревякина В. А., 2019); клиник маълумотлар, лаборатория кўрсаткичлари ва иммунологик кечишини таҳлил қилиш асосида мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда атопик дерматитни эрта ташхислашнинг муҳим маълумотли мезонлари аниқланган (Иванова Н. А., 2020); болаларда атопик дерматитни БА билан коморбид кечиш частотасини камайтиришга қаратилган профилактик тадбирлар оптималлаштирилган (Овсянников Д. Ю., 2021); болаларда атопик дерматитни янгида даволаш усуллари ишлаб чиқиш (Сулейманова Р. Р., Иванов М. А., 2019).

Ўзбекистон Республикасида болаларда аллергия касалликларни ўрганиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Ишлаб чиқариш ривожланган шаҳарларда атопик дерматит ва бронхиал астмани стационар давони ташкиллаштириш ва касаллик асоратини юзага келиши прогностик мезонлари ва даволаш усуллари такомиллаштирилган (Семерник О. Е., 2020); ўсмирларда бронхиал астмани даволаш оптимизацияси ёрдамида иммунологик ва генетик жиҳатлари ўрганилган (Зиядуллаев Ш.Х., 2014); болаларда атопик дерматитни даволаш, реабилитация ва профилактикасининг патогенетик хусусиятлари аниқланган (Беляева Л. М., Микульчик Н. В., 2020).

Ўзбекистон Республикасида тиббиёт соҳасида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилишига қарамай, болаларда атопик дерматитни бронхиал астма билан бирга кечишини эрта аниқлаш, ташхислаш ва даволаш усуларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган. Шу муносабат билан, ушбу касалликларга экологик омилларнинг салбий таъсирини ҳисобга олган ҳолда болаларда аллергия касалликлар ривожланишининг хавф омиллари, лейкотриен рецепторларининг ролини аниқлаш ва уларни бошқа маркёрлар билан корреляцион боғлиқлиги асосида патогенетик жиҳатларини очиқ бериш бугунги кундаги долзарб муаммолардандир.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Тошкент Тиббиёт Академиясининг илмий тадқиқот режасига киритилган 01.1800231-сонли «Болаларда бронх-ўпка ва аллергия касалликларни экологик омилларни ҳисобга олган ҳолда ўрганиш, ташхис қўйиш ва даволаш усуллари такомиллаштириш» (2018-2021 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечишида клиник иммунологик хусусиятларини ўрганиш ва

даволашни оптималлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

болаларда атопик дерматитни бронхиал астма билан бирга кечишини ретроспектив таҳлили ёрдамида аниқлаш;

атопик дерматитни коморбид ривожланишини асосий омиллари ва клиник кечиши хусусиятларини аниқлаш;

атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечишидаги иммунологик хусусиятларини аниқлаш;

атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечишидаги даволаш усулларини оптималлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2017-2021 йилларда Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасида ётиб даволанган 6-12 ёшдаги 130 нафар болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни веноз қон, капилляр қон, биокимёвий тадқиқотлар учун қон зардоби ва цистеинил лейкотриенлар миқдорини аниқлаш учун пешоб кўрсаткичлари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, функционал-инструментал, аллергологик, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагича:

болаларда атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечишининг ривожланишида тиббий-биологик омиллар (наслий мойиллик, ўтказган ёндош касалликлар) ва ижтимоий омиллар (оиладаги нохуш муҳит, оилавий шароитнинг оғирлиги) асосий сабаблардан эканлиги аниқланган;

болаларда атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечишини, асоратларини башорат қилишни ва тез кечар аллергик реакцияларни бошланғич даврларини аниқлашда пешобдаги лейкотриенлар (C4/D4/E4) прогностик маркер эканлиги исботланган;

атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечишида SCORAD индекси (атопик дерматитни оғирлик даражасини белгиловчи), пешобдаги цистеинил лейкотриенлар (C4/D4/E4) ва қон зардобидаги маҳсус IgE миқдори орасида тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланган;

атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечиши кузатилган болаларда анъанавий даволаш схемасига қўшимча антилейкотриен терапияни қўллаш орқали даволаш-профилактика чора тадбирлари такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

атопик дерматитни БА билан коморбид кечиши ривожланишининг тиббий биологик ва ижтимоий хавф омиллари аниқланган;

атопик дерматитни БА билан коморбид кечишини эрта ташхислаш учун пешобда Cys-LT миқдорини аниқлаш муҳимлиги асосланган;

атопик дерматитни БА билан коморбид кечишини эрта ташхислаш усули ишлаб чиқилган, даволаш усули такомиллаштирилган ва унинг самарадорлиги пешобдаги лейкотриенлар ва қондаги махсус IgE миқдорини аниқлашга асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндошувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, аллергологик, иммунологик, инструментал, функционал ва статистик текширув усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болаларда атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечишининг клиник хусусиятларини ўрганиш, ташхислаш ва даволаш усулларини оптималлаштириш, атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечишининг ривожланишининг хавф омилларга боғлиқлиги, касалликни кечиши махсус IgE, пешобдаги цистеинил лейкотриен (C4/D4/E4) ва қондаги эозинофил миқдорлари билан тўғри пропорционал ортиб бориши касаллик патогенезининг жиҳатларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечишини эрта ташхислаш учун пешобда Cys-LT миқдорини аниқлаш муҳимлиги ҳамда болалар пешобида лейкотриенлар ва махсус IgE миқдорига асосланган холда ташхислаш ва оптималлаштирилган даволаш усули касаллик рецидивини профилактика қилиш, ривожланишини олдини олиши ва беморларнинг яшаш сифати даражасини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечишининг клиник кўринишларини аниқлаш, ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болаларда атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечишида, даволаш усулларини оптималлаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Болаларда бронхиал астма билан атопик дерматитнинг биргаликда кечишида қўлланадиган даволаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 22 декабрдаги 8н-р/639-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома бронхиал астма билан атопик дерматитнинг бирга кечишида иммунитетдаги бузилишларни эрта аниқлаш,

ўз вақтида даволашнинг оптимал усуллари танлашга ва қайталаниш даражасини камайтириш имконини берган;

болаларда атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечишини эрта ташхислаш ва олдиндан башорат қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Болаларда атопик дерматит» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 6 мартдаги 8н-р/82-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома атопик дерматитга чалинган болаларда иммунитетнинг махсус омиллари фаолияти ва пешобдаги лейкотриенлар миқдоридаги ўзгаришларни эрта аниқлаш, ўз вақтида даволаш усулини қўллаш орқали касаллик ривожланиши ва келиб чиқадиган асоратларини олдини олиш имконини берган;

атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечиши аниқланган болаларда ташхислаш ва янги такомиллаштирилган даволаш услубини қўллаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси ва Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 38 - оилавий поликлиника клиник амалиётларига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 23 декабрдаги 08-09/20615-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечиши аниқланган болаларда ташхислаш ва янги такомиллаштирилган даволаш услубини қўллаш орқали болаларда касалликни қайталаниш даражасини камайтиришга, касаллик асоратларини олдини олишга, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга, стационарда даволаниш муддатини қисқартириш хисобига иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 10 та мақола, улардан 6 та республика ва 4 та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 107 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИ


**Кириш** қисмида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари таърифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги

кўрсатиб берилган, ишнинг илмий янгилиги ва натижаларнинг амалий аҳамияти келтирилиб, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечиши: этиопатогенетик келиб чиқиш механизмлари, классификацияси, клиник кечиш турлари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган муаммо бўйича адабиётлар шарҳи берилган бўлиб, болаларда атопик дерматит ва бронхиал астма, уларнинг коморбид кечишининг патогенетик жihatларига таалукли муаммоларнинг замонавий тасаввурлари таҳлил қилинган. Ушбу бобда адабиёт маълумотлари умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асосланган. Алоҳида қисмида болаларда атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечишида даволаш усуларини такомиллаштириш усуллари таҳлили келтирилган ҳамда ушбу муаммонинг ечилмаган ва аниқлаштиришни талаб этадиган қисмлари тўғрисида тўлиқ маълумот берилган. Олинган материалларни синчковлик билан таҳлил қилиш, батафсил ўрганишни талаб этадиган жihatлари таъкидланган.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг умумий хусусиятлари ва фойдаланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар материаллари ва усуллари баён қилинган. Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасида 2017-2021 йилларда амбулатор ва стационарда даволанган бемор болалар ретроспектив ва проспектив кузатув олиб бориш учун тадқиқотга жалб қилинган.

Тадқиқот иккита босқичда олиб борилди. Биринчи босқичда ТТА кўп тармоқли клиникасини болалар алергологияси бўлимида 2017-2021 йилларда мурожаат қилган 240 нафар болаларнинг (6-12 ёш) касаллик тарихлари ва амбулатор карталари таҳлил қилинди.



**1-расм. Тадқиқотнинг биринчи босқичидаги беморлар ташхиси**

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида ташхисга аниқлик киритиш ва даволашни такомиллаштириш учун 6 - 12 ёш (n=130 нафар) болалар танлаб олинди (1 жадвал).

Атопик дерматит, бронхиал астма ташхисини қўйиш учун стандарт асосида клиник, алергологик ва иммунологик ташхисот усулларидадан фойдаланилди. Атопик дерматитнинг оғирлик даражасини SCORAD индекси мезонлари асосида таҳлил қилинди.

1 – жадвал

АтД ли бемор болаларнинг гуруҳларга тақсимланиши %

Ёши	1 гуруҳ АтД+БА (n=60)		2 гуруҳ АтД (n=35)		3 гуруҳ БА (n=35)	
	абс	%	абс	%	абс	%
Жинси						
Қиз	35	58,3	21	60,0	15	42,8
Ўғил	25	41,7	14	40,0	20	57,2

Беморларни касаллик таснифи бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратдик. Биринчи гуруҳга атопик дерматитнинг бронхиал астма билан бирга кечиши кузатилган 60 нафар бемор болаларни киритдик. Иккинчи гуруҳни атопик дерматит ташхисли (бронхиал астмасиз) 35 нафар бемор болалар, учинчи гуруҳни эса бронхиал астма ташхиси қўйилган 35 нафар болалар ташкил қилди, гуруҳдаги беморларни жинси бўйича тақсимлаганимизда биринчи (58,3%) ва иккинчи гуруҳда (60,0%) қиз болалар ўғил болаларга нисбатан кўп аниқланди, адабиётдаги олинган маълумотларга кўра атопик дерматит касаллигини қиз болаларга нисбатан мойиллиги аниқланган. Учинчи гуруҳда эса (БА) ўғил болалар 57,2% ташкил қилди. Иммунологик тадқиқотлар учун алоҳида назорат гуруҳи 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган 20 нафар соғлом болаларни ўз ичига олди. Кўрсатмага биноан беморлар тор мутахассислар кўригидан ўтказилди: алерголог ва тери-таъносил шифокори. Беморлар даводан олдин, сўнг ва бир ойдан кейин текширилди. Иммунологик усуллар. Қон зардобидида умумий IgE (IgE, ХБ/мл) миқдори cobas E 411 курилмаси ёрдамида иммунохемилюминисцент усули билан аниқланган. Қон зардобидида специфик IgE (ХБ/мл) С.А.Р. L.A. System реагентлардан (Россия) фойдаланиб каттик фазали иммунофермент усулида аниқланган.

Пешобда лейкотриенлар С4/Д4/Е4 миқдори ИФА усули ёрдамида (“Cys LT C4/D4/E4 leukotriene” Neogen, Россия) аниқланди.

БА ли болаларда даволашдан олдин ва кейин кўкрак қафаси рентгенографияси, спирография ва пикфлоуметрия амалга оширилди.


Статистик усуллар. Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш Microsoft Excel Version 7.0 амалий математик-статистик таҳлил дастурларидан фойдаланиб ўтказилган. Статистик усуллар танловни ўртача кўрсаткичи (M), ўртача стандарт хатолик (m), корреляция коэффициентини (r) аниқлашдан иборатдир. Статистик популяциядаги фарқларнинг

ишончилиги Стьюдент (t) мезонларига кўра, турли хил дисперсиялар учун параметрик усулларда баҳоланган

Диссертациянинг «**Болаларда атопик дерматитнинг бронхиал астма билан коморбид учраши ва ўзига хос кечиш хусусиятларини аниқлаш**» деб номланган учинчи бобида атопик дерматитни каморбид учраш даражаси, кечиш хавф омиллари ва клиник хусусиятлари натижалари келтирилган.

Ретроспектив таҳлил натижаси 6 - 12 ёшгача бўлган болалар орасида атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечишининг ортиб бориши ва бу кўрсаткич расмий статистикадан бир неча баробар юқорилигини кўрсатди.

Олинган маълумотга кўра болалар орасида АтДни БА билан коморбид учраш даражаси 4,7% баробар расмий статистикадан юқори эканлиги маълум бўлди (2 расм).



**2-расм. Болаларда АтД ни БА билан коморбид тарқалиши бўйича қиёсий натижалар (%)**

Ретроспектив таҳлил қилинган беморларда атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечишининг бир неча клиник вариантлари мавжудлигини аниқладик: БАнинг кучайиши ва атопик дерматитнинг ремиссияси – 34 та (25.1%); атопик дерматитнинг кучайиши ва БАнинг ремиссияси- 45 та (33.30%); БА ва атопик дерматитнинг ремиссияси- 25 та (18.51%); БА ва атопик дерматитнинг бир вақтнинг ўзида кучайиши – 31 та (22.91%) (бу бошқа вариантларга нибатан оғир кечиши маълум бўлди).

Тадқиқотнинг 2 босқичида касалликни коморбид кечиш хусусиятларини ўрганиш мақсадида кейинги кузатувга танлаб олинган беморларни 3 гуруҳга ажратдик. 1 гуруҳга атопик дерматитнинг бронхиал астма билан бирга кечиши кузатилган 60 нафар бемор болалар, 2 гуруҳ атопик дерматит ташхисли (бронхиал астмасиз) 35 нафар беморлар, 3 гуруҳни эса бронхиал астма ташхиси қўйилган 35 нафар болалар ташкил қилди.

**Текширувдаги беморларда АтД коморбид кечишини оғирлик даражасини аниқлаш (балларда)**

Текширувдаги беморларда касалликни оғирлик даражаси индекс бўйича	Бронхиал астманинг кучайиши ва атопик дерматитнинг ремиссияси n=34	Бронхиал астма ва атопик дерматитнинг ремиссияси n=25	Атопик дерматитнинг кучайиши ва бронхиал астманинг ремиссияси n=45	Бронхиал астма ва атопик дерматитнинг бир вақтнинг ўзида кучайиши n=31
SCORAD индекси (балларда)	19,5±1,1	18,3 ±0,3	30,9±0,5	47,6±1,2
Касалликнинг оғирлик даражаси	Енгил даража	Енгил даража	Ўрта оғир даража	Оғир даража

Атопик дерматит, бронхиал астма ривожланишига олиб келувчи омиллардан бири бўлган наслий мойилликка эътибор бердик ва бу кўрсаткичлар барча гуруҳларда ҳам юқори эканлиги қайд қилинди (92,5%, 82,3% ва 80,4%). 2 ва 3 гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан касалликни коморбид кечишида (1 гуруҳ) наслий мойиллик 1,1 барабар юқори эканлиги аниқланди. АтДни бронхиал астма билан коморбид кечиши кузатилган 1 гуруҳдаги беморларнинг кўпчилигида, перинатал анамнезда асфиксия (28.51%), чала туғилиш (19.72%), ҳомила ривожланишининг кечикиш синдроми (31.60%) ҳолатлари кузатилди ва бу беморларнинг ҳаётининг биринчи йилларида зотилжам (31.2%), бронхитлар (34.60%) ва аномалия конституциялари (46.92%) кузатилгани маълум бўлди. Бу гуруҳдаги болаларда кейинчалик БА нинг юзага келишига сабаб, ўпка тўқималарининг тўлиқ етилмаганлиги, бронхлар калибрининг қисқарганлиги, вирусли ва бактериал инфекцияга нисбатан сезувчанликнинг юқори бўлиши ва маҳаллий иммунитетнинг паст кўрсаткичлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Оналар хавф омилини ўрганиш, 1-гуруҳдаги 23 нафар болаларнинг оналарида ҳомиладорлик даврида (38,3%) ҳомила гипоксияси ҳавфини келтириб чиқарувчи соматик касалликлари бўлганлигини кўрсатди. 2-гуруҳ оналаридаги ушбу кўрсаткич 11,4%ни, 3 гуруҳда эса 20,0% ташкил қилди.

Тиббий-биологик омиллар таҳлил қилинганда, касаллик жинсга боғлиқлиги ва бронхиал астма ўғил болаларда, атопик дерматит қиз болаларда кўпроқ учраши аниқланди.

Болаларнинг ўтказилган касалликлар таҳлил қилинганда, барча гуруҳ болаларида қуйидаги касалликларни (ЎРВИ, диатез, овқат аллергияси) ўтказганлиги аниқланди ва бу касалликлар ҳам асосан 1 гуруҳ беморларда юқори фоизда аниқланди (85,7%).

Сурункали жараённи мавжудлиги болаларнинг жисмоний ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Беморларнинг ёшига нисбатан тана узунлиги/бўй нисбатлари кўрсаткичлари 1-гуруҳдаги беморларнинг 29.51% да стандарт оғишларни кўрсатди (интервал (-3СО дан -2СО) гача); солиштириш гуруҳларида эса бу кўрсаткич 16,0% ва 13,0% ташкил қилди ( $p < 0,001$ ). Ёшга нисбатан кам вазнлик (интервал (-3 СО дан -2 СО) гача) 1 гуруҳ болаларда кўп фойизда аниқланди ( $34.81 \pm 3.01\%$ ; 2-гуруҳда –  $17.0 \pm 1,6\%$ ; 3 -гуруҳда –  $15.3 \pm 1.2\%$ ,  $p < 0,001$ ).

Шундай қилиб, болаларда атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечишига наслий омиллик билан бир қаторда тиббий-биологик омиллар, болалардаги ёндош касалликлар катта аҳамиятга эга бўлиб, улар 1 гуруҳ беморларига кўпроқ хос бўлган.

Бизнинг кузатувимиздаги бемор болаларни периферик қон кўрсаткичларини ўрганиш эозинофиллар сонидан фарқли периферик қонда сезиларли ўзгаришлар топилмади. Соғлом болаларга нисбатан эозинофиллар сони атопик дерматитни бронхиал астма билан бирга кечишида 6,1; атопик дерматитда 5,1 ва бронхиал астмада 4,7 марта ошди ( $p < 0,001$ ) (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Текширувдаги гуруҳларнинг периферик қондаги кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1 гуруҳ n=60	2 гуруҳ n =35	3 гуруҳ n =35	Соғлом болалар n =20
Эритроцитлар, $10^{12}/л$	$3,3 \pm 0,053$	$3,1 \pm 0,095$	$3,2 \pm 0,053$	$4,13 \pm 0,03$
Гемоглобин, г/л	$98,2 \pm 1,3$	$108,1 \pm 2,3$	$103,4 \pm 1,2$	$121,4 \pm 1,1$
Ранг кўрсаткичи	$0,81 \pm 0,02$	$0,9 \pm 0,01$	$0,89 \pm 0,02$	$0,94 \pm 0,01$
Лейкоцитлар, $10^9/л$	$7,8 \pm 0,14$	$7,4 \pm 0,22$	$7,2 \pm 0,14$	$6,52 \pm 0,17$
эозинофиллар	$7,4 \pm 0,21^{**}$	$6,2 \pm 0,32^*$	$5,7 \pm 0,29^*$	$1,21 \pm 0,1$
ЭЧТ, мм/с	$8,4 \pm 0,52$	$9,3 \pm 0,61$	$8,2 \pm 0,43$	$6,4 \pm 0,4$

Изох:  $p < 0,05-0,001$  соғлом болалар кўрсаткичига нисбатан.

Аллергик касалликлар ва яллиғланиш жараёнларини ташхислаш ва қиёсий таққослаш учун ишлатиладиган анъанавий маркёрлардан бири қон зардобида умумий IgE даражасини аниқлаш ҳисобланади. Энг яққол ўзгаришлар IgE даражасида кузатилиб, унинг концентрацияси барча гуруҳ беморларда соғлом гуруҳдаги болаларларга нисбатан бир неча баробар юқори бўлди (4 жадвал). Гуруҳлар ўзаро солиштирилганда умумий IgE даражаси атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечишида энг юқори бўлганлиги кузатилди ва бу кўрсаткич 2 ва 3 гуруҳдаги болалар IgE даражасига нисбатан 1,2 баробар юқори бўлди.


## Текширувдаги болаларда умумий IgE миқдори ХБ/мл

Кўрсаткичлар	1 гуруҳ n=50	2 гуруҳ n=30	3 гуруҳ n=30	Соғлом болалар n=20
IgE, ХБ/мл	482,1±68,5**	341±54,2*	395,2±54,2*	58,3±6,5

Изоҳ: p<0,001, гуруҳларни ва соғлом болалар кўрсаткичига нисбатан ишончлилиги.

Атопик дерматитни коморбид кечиши ушбу ўзгаришни янада чуқурлаштирган, IgE даражаси ортиши билан кечувчи аллергизациянинг механизмларидан бири, эҳтимолга кўра, яллиғланиш натижасида терида ва бронх деворининг ўтказувчанлигининг ортиши бўлиши мумкин. Агар беморнинг қонида IgE юқори даражаси аниқланса, бемордаги бу касалликни тез кечар аллергик типига киради дейишга етарлича асос бўлади.

Биз аллергик яллиғланишни кучайтирувчи маҳсус IgE титрини атопик дерматити, БА бор ва АДни бронхиал астма билан коморбид кечиши кузатилган беморларда ўргандик. Терида аллергик синамаларни ўтказиш, аллергенлар воситасида сунъий равишда касаллик чақириш (провокацион синама) учун синамалар ўтказиш ҳамда лаборатор услубда маҳсус аллергенли IgE-антителолар мавжудлигини аниқлаш киради. Лекин болаларда тери синамаларини ўтказиш бир мунча қийинчиликлар туғдиради, шу сабабли биз текширувдаги болаларда маҳсус IgE-антителолар титрини аниқладик. Аллергологик анамнезни йиғиш ва текширувда бўлган болаларнинг қон зардобидида маҳсус IgE антитаналарини аниқлаш натижасида уларда уй, эпидермал, чанг ва озиқ-овқат аллергенларига сезгирлик аниқланди (3 расм). Қон зардобидида маҳсус IgE нинг диагностик жиҳатдан аҳамиятли концентрациялари 2- гуруҳдаги 90,4% болаларда аниқланди.



3 расм. Таққослаш гуруҳларида аллергия спектри маҳсус IgE натижалари асосида

Булардан озиқ-овқат аллергенлари учун қон зардобида аллергенларга специфик IgE нинг диагностик жиҳатдан муҳим концентрациялари барча болаларнинг 78,3% да аниқланди, уларни аниқлашнинг максимал частотаси аллергиянинг комарбид шакли бўлган болалар гуруҳида (1-гуруҳ) – (90,0%), атопик дерматит (2 гуруҳ) ва бронхиал астма (3-гуруҳ) билан касалланган болаларда (69,5% ва 61,6%) кузатилди. 2 гуруҳда озиқ овқат аллергенлари орасида энг устуни: товук тухуми, сигир сути, буғдой уни, банан, товук гўшти бўлди. Худди шу вақтда 1 гуруҳда эса асосан озиқ овқат аллергенларидан балиқ, сули уни, цитрусли мевалар, шафтоли ва тоmat аллергенлари устунлик қилди.

Маиший аллергенлар учун қон зардобида аллергенларга специфик IgE нинг диагностик жиҳатдан муҳим концентрациялари барча болаларнинг (61,6%) аниқланди, уларни аниқлашнинг максимал частотаси бронхиал астмаси бўлган (3-гуруҳ) болаларда кузатилди – (83,3%), энг кам ҳолат аллергик касалликларнинг тери шаклларида (2-гуруҳ) – (25,9%) кузатилди.

Олинган маълумотларга қўра атопик дерматитни бронхиал астма билан бирга кечишида специфик IgE нинг диагностик жиҳатдан муҳим концентрациялари озиқ овқат (90,0%) ва эпидермал (80,5%) аллергенларга аниқланди. Текширувдаги 1-гуруҳ беморларда етакчи эпидермал аллергенлар орасида: одам сочи ва хайвонлар юнги, 2 ва 3-гуруҳларда эса – хайвонлар юнги, таракан ва каналар устунлик қилди.

Атопик дерматит ва бронхиал астамада аллергик яллиғланишнинг кечки босқичларида иштирок этувчи асосий яллиғланиш медиаторлардан бири – лейкотриенлар ҳисобланади. Бу C<sub>4</sub>, D<sub>4</sub> ва E<sub>4</sub> лейкотриенлар таркибида цистеин бўлганлиги сабабли улар цистеин лейкотриенлар деб аталади.

Болаларда АД бронхиал астма билан коморбид кечишида умумий лейкотриенлар миқдори пешобда бизгача ўрганилмаган, шу сабабли биз бу гуруҳдаги болалар пешобда (ноинвазив усуллардан бири ҳисобланганлиги сабабли) C<sub>4</sub>, D<sub>4</sub> ва E<sub>4</sub> миқдорини аниқладик.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, АД ли ва БА билан касалланган беморларда (2 ва 3 гуруҳ) Cys LT C<sub>4</sub>/D<sub>4</sub>/E<sub>4</sub> даражаси 0,9 дан 6,5 нг/мл гача бўлган ораликда ва бу кўрсаткич ўртача (5,2±0,09 ва 6,7±0,15) нг/мл, АД ни бронхиал астма билан коморбид кечишида (1 гуруҳ) Cys LT C<sub>4</sub>/D<sub>4</sub>/E<sub>4</sub> даражаси 2,99 дан 15,80 нг/мл гача ораликда ва ўртача - 9,3±0,62 нг/мл ташкил қилди ва бошқа гуруҳларга нисбатан юқори бўлди (5-жадвал).

#### 5-жадвал

#### Текширилган гуруҳларда лейкотриен рецепторлари ҳолати (Cys LT C<sub>4</sub>/D<sub>4</sub>/E<sub>4</sub>), нм/мл

Гуруҳлар	Cys LT C <sub>4</sub> /D <sub>4</sub> /E <sub>4</sub> , нг/мл
1 гуруҳ (n=60)	9,3±0,62**
2 гуруҳ (n=30)	5,2±0,09*
3 гуруҳ (n=30)	6,7±0,15*
Соғлом болалар (n=30)	0,93±0,042

Изоҳ: p<0,001, 1,2,3- гуруҳларни соғлом болалар кўрсаткичига нисбатан ишончилиги.

Олинган натижалардан АтД бронхиал астма билан коморбид кечишининг патогенезида лейкотриен механизми мавжудлиги кўрсатилган бўлиб, касалликни кечишини сезиларли даражада оғирлаштирди (1 гуруҳ), беморларда бронхоспазм, йўтал ва теридаги белгиларнинг узоқ муддат сақланиб қолишига олиб келди.

Тадқиқот давомида биз лейкотриенлар, периферик қондаги эозинофил кўрсаткичлари ва маҳсус IgE ўртасида корреляцион таҳлилни амалга оширдик (6 жадвал). Олинган маълумотларга кўра АтД бронхиал астма билан коморбид кечишида пешобдаги цистеинил лейкотриенлар C<sub>4</sub>/D<sub>4</sub>/E<sub>4</sub> и эозинофиллар (r=+0,67; p<0,0001), C<sub>4</sub>/D<sub>4</sub>/E<sub>4</sub> (нг/ml) ва маҳсус IgE (r=+0,71) ва энг юқори ижобий боғлиқлик SCORAD индекси ва C<sub>4</sub>/D<sub>4</sub>/E<sub>4</sub> (r=+0,9) орасида аниқланди.

**6-жадвал**

**Кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион муносабатлар**

Кўрсаткичлар	C <sub>4</sub> /D <sub>4</sub> /E <sub>4</sub> (нг/ml)	C <sub>4</sub> /D <sub>4</sub> /E <sub>4</sub> (нг/ml)	SCORAD индекси	Маҳсус IgE
	Текширилган беморлар	эозинофил (кл/мкл)	маҳсус IgE	C <sub>4</sub> /D <sub>4</sub> /E <sub>4</sub> (нг/ml)
АтД бронхиал астма билан коморбид кечиши	0,67	+0,71	+0,9	+0,89

Шундай қилиб болаларда атопик дерматитни БА билан коморбид кечишининг клиник хусусиятлари қуйидагилардан иборат: SCORAD индекси бўйича оғир даражали беморларнинг 65% асосан АД коморбид кечишида, яни БА ва АДнинг бир вақтнинг ўзида кучайиши даври кузатилган болаларда учради; умумий IgE даражаси атопик дерматитни бронхиал астма билан коморбид кечишида атопик дерматит ва бронхиал астма гуруҳларига нисбатан 1,2 баробар юқори бўлди; озик овқат ва эпидермал аллергенларига қон зардобида специфик IgE нинг диагностик жиҳатдан муҳим максимал частотаси аллергиянинг коморбид шакллари бўлган 1-гуруҳ болаларида кузатилди – (90,0 % ва 80,5%); Cys LT C<sub>4</sub>/D<sub>4</sub>/E<sub>4</sub> миқдори АДни бронхиал астма билан коморбид кечишида 2 ва 3 гуруҳларга нисбатан 1,7 ва 1,3 марта юқори бўлди.

Диссертациянинг «Атопик дерматитни коморбид кечишидаги даволаш усуллари оптималлаштириш» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқот давомида қўйилган вазифаларни ечиш мақсадида болаларда атопик дерматитни БА билан коморбид кечишида касалликни даволаш усули такомиллаштирилди ва патогенетик даво мақсадида монтелукаст дори воситаларидан фойдаланилди.

Атопик дерматитнинг БА билан коморбид кечишини умумий лейкотриен иштирокида яллиғланиш жавобига асосланган патогенетик табиатлилиги, уларнинг даволаш тамойилларини ўхшашлигига асосланади.

Лейкотриен рецепторларининг антагонистлари (монтелукаст натрий ва бошқалар) нафақат БАни балки атопик дерматитни БА билан коморбид кечишини ҳам даволашда самарали ёрдам беради. Монтелукаст дори воситаларининг атопик дерматитнинг БА коморбид кечиши бор бўлган болаларда даволаш режасига киритиш мезонлари қуйидагича бўлди: текширилаётган беморларнинг пешобида Cys-LTC<sub>4</sub>/D<sub>4</sub>/E<sub>4</sub> миқдорини назорат гуруҳига нисбатан юқори бўлиши;

Бизнинг текширувимиздаги 1 гуруҳдаги бемор болаларнинг 81,5% пешобида Cys-LTC<sub>4</sub>/D<sub>4</sub>/E<sub>4</sub> юқори миқдори аниқланганлиги сабабли, Монтелукаст дори воситасини даволашни оптималлаштириш мақсадида 6 -12 ёшдаги болаларга 5 мг кунига 1 марта, курс давомийлиги 3 ойга тавсия этдик. Даволашдан олдин назоратдаги болаларни терапия турига қараб 2 та гуруҳга бўлдик. Асосий гуруҳ беморлари базис терапия+монтелукаст 3 ой давомида. Назорат гуруҳ беморлари фақат базис терапияни қабул қилдилар.

Монтелукаст дори воситасини қўллаш вақтида даволанишнинг 8-10 куни асосий гуруҳдаги 72,6% беморларда кузатилган клиник ижобий динамика препаратни қўллашнинг биринчи ойи сўнгида янада сезиларли бўлди ва бутун кузатув вақтида сақланиб турди.

